

## ЧЎЛПОН ИЖОДИ ВА ЗАМОНАВИЙ АДАБИЙ ЖАРАЁН

**Зиёда ЭРГАШЕВА**

*ўқитувчи*

*СамДЧТИ,*

**Нурали НУРУЛЛАЕВ**

*талаба*

*СамДЧТИ*

XX аср бошларида яшаб ижод этган жадид адабиёти вакилларининг мамлакатимиз тараққиёти йўлида олиб борган хайрли ишлари маънавият соҳибларининг қалбидан чуқур ўрин эгаллаган. Бугунги кунда ижтимоий-маънавий соҳалардаги ислохотлардан кўзланган асосий мақсад халқимизнинг маънавий юксалиш йўлидаги имкониятларни кенгайтириш, жамиятда маърифатпарвар зиёлиларнинг, хусусан, Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон ижодини ўрганиш муҳим ижтимоий-фалсафий, бадиий-эстетик аҳамият касб этади. Чўлпон қарашларида озодлик, истиқлол, ватанпарварлик, миллатпарварлик каби юксак ахлоқий-эстетик ғоялар ифодаланган. Чўлпон ўтган асрнинг бошларида ўзбек адабиётида биринчилардан бўлиб, бармоқ вазида жозибали шеърлар, реалистик ҳикоя ҳамда роман ёзган ижодкор. Бирок унинг ижодини фақат поэзия билан чегаралаш мумкин эмас. У бир вақтнинг ўзида ҳам шоир, ҳам драматург, ҳам носир ҳамда адабий танқидчи сифатида ҳам ижод қилди. Унинг “Халил фаранг”, “Чўрининг исёни” каби кичик пьесалари, “Ўртоқ Қаршибоев”, “Муштумзўр” каби драмалари ҳамда кўп вақт сахнадан тушмаган “Ёрқиной” пьесалари машҳур бўлган.

Андижонлик ҳунарманд Сулаймон мулла Муҳаммад Юнус ўғли оиласида 1897-йили дўмбоққина гўдак дунёга келди. Унга яхши ният билан Абдулҳамид деб исм қўйдилар. Отаси дурустгина саводли, шоиртабиат (Сулаймонқул “Расво” деган тахаллус билан ғазаллар битган, ҳатто девон ҳам тузган эди) одам бўлганлигидан ўғлининг тарбиясига алоҳида эътибор берди (4, 5-13). Аввал маҳалласидаги мактабда, кейин Андижон ва Тошкент шаҳарларидаги мадрасаларда ўқитди. Замона зайли билан Андижонда очилган рус-тузем мактабида ҳам таълим олди. Натижада Абдулҳамид ёшлигиданоқ араб, форс, тожик, турк ва рус тилларини пухта ўрганди, бадиий адабиётга ихлоси ортди. 16-17 ёшларидаёқ ҳар томонлама чуқур билимли, илғор фикрли зиёли киши бўлиб етишди.

Чўлпон– тахаллуси; асл исми – ота исми Абдулҳамид Сулаймон ўғли Юнусов. Шоир, ёзувчи, драматург, таржимон, танқидчи ва жамоат арбоби. Юқорида таъкидланганидек, дастлаб мадрасада (1908-12), сўнгра рус-тузем мактабида (1912-14) ўқиган. Шарқ мумтоз шоирлари асарларини мутолаа қилиш

ва жадин матбуотини кузатиш йўли билан адабий, ижтимоий-сиёсий билимини оширган. Чўлпон эндигина йигирма ёшга қадам қўйганда Октябрь тўнтариши содир бўлди. Шоир шундан сўнг “Қизил байроқ”, “Иштирокиюн”, “Туркистон”, “Бухоро ахбороти” каби газеталари таҳририятларида меҳнат қилди. Чўлпон онгида, дунёқарашда ўсиш-ўзгаришлар юз берди. Шоирнинг “Уйғониш”, “Булоқлар” (1924), “Тонг сирлари” (1926), “Соз” (1935) тўпламлари ўзаро таққосланса, Чўлпон шеърлятидаги ғоявий-бадиий фазилятлар, шунингдек, ижодий камолот йўлидаги изланишлар, турфалик ва зиддият очик кўринади.

1914-йил Тошкентда М.Абдурашидхонов ва У.Хўжаев билан танишиши Чўлпоннинг миллий уйғониш ҳаракати намояндаси сифатида шаклланишида муҳим омил бўлган. Чўлпон “Садои Туркистон” газетасида дастлабки, “Туркистонли қардошларимизга” шеъри, “Қурбони жаҳолат”, “Дўхтир Муҳаммадёр” ҳикоялари ва “Адабиёт надири” мақоласини эълон қилиб (1914), шу давр адабиёти намояндаси сафидан ўрин эгаллаган. Туркистон аҳолисининг иқтисодий, ижтимоий ва маданий қолоқлик шароитида яшаётганининг асосий сабабини англаган Чўлпон, бошқа жадинлар қатори, ўз асарлари билан халқнинг маданий ва маърифий савиясини кўтаришга киришган. Чўлпон бу даврда З.Валидий чорлови билан Оренбургга бориб, Бошқирдистон мухторият ҳукуматининг ташкил этилишида ҳам иштирок этди. Туркистон мухторияти тугатилгач, Чўлпон “Илмий кенгаш”, “Чиғатой гурунги”, “Нашри маориф” ташкилотлари ва “Турон” театрида адабий, илмий-маърифий ишлар билан машғул бўлди.

Шеър ва мақолалар ёзиш билан истиқлол учун курашда давом этди. Аммо республика маданият ходимларининг 2-қурултойи (1927)дан кейин Чўлпонга қарши бошланган кураш уни сиёсий фаолиятдан узоклашишга, ҳатто Чўлпон 1925-йилга келиб: “Муҳит кучли экан, эгдим бўйнимни”, – дея ижтимоий қарашларини ўзгартиришга мажбур бўлганлигини эътироф этади. Аммо шунга қарамай, шоир яратган икки юздан ортиқ шеърий асарлар эл-юрт бахти, келажаги, мустақиллиги, озодлиги учун курашнинг ёрқин солномаси, деса бўлади. Чўлпон ҳам Фитрат ва Абдулла Қодирийлар каби қатағон даврининг қурбони бўлган(1, 48-49). Чўлпон 1937-йил 14-июл куни ҳибсга олиниб, кўп ўтмай, отиб ташланди.

Чўлпоннинг асарлари узок вақт давом этган танаффусдан кейин 1991 йили “Яна олдим созимни” номи билан нашр этилди. Чўлпоннинг адабий мероси шеърлят, наср, драматургия, публицистик ва адабий-танқидий мақолалар ҳамда таржималардан ибора. Тошкент Чўлпоннинг шеърий асарлари “Ўзбек ёш шоирлари”, “Уйғониш” (1922), “Булоқлар” (1923), “Тонг сирлари” (1926) ва “Соз” (1935) тўпламларида, шунингдек, турли газета ва журналларда эълон қилинган(5). Улар ғоявий-тематик йўналишига кўра икки гуруҳга ажралади: соф

лирика ва ижтимоий-сиёсий лирика. Чўлпон шеърляти жаҳон лирик шеърлятининг мумтоз вакиллари даражасига кўтарилган. “Гўзал”, “Сезги”, “Сирлардан”, “Мен шоирми?” сингари шеърлари билан 20-йилларнинг бошларидаёқ бармоқ вазнига асосланган янги ўзбек шеърлятини юксак тараққиёт босқичига олиб чиқди.

Ватан ва миллат манфаати билан яшаган шоир болшевиклар олиб борган сиёсатнинг мустамлакачилик моҳиятини фош этишга, халқни зулм ва зўравонликка қарши ҳуррият учун курашга даъват этишга қаратилган шеърлар ёзди (“Бузилган ўлкага”, “Халқ”, “Виждон эрки”, “Кишан” ва бошқалар) Чўлпон бу шеърлари билан адабиётнинг кураш қуролига айланиши мумкинлигини исботлаб берди.

Чўлпоннинг “Кўнгил”, “Эрк истаги”, “Кўзғолон”, “Қилич ва қон” каби шеърлари ҳам ана шу қора кўланка – мустамлакачиликка қарши исён тарзида битилган. “Кўнгил” шеърида шоир миллатга мурожаат этиб, бўйсунмасликка чақиради:

*Тириксан, ўлмагансан,  
Сен-да одам, сен-да инсонсан.  
Кишан кийма, боўйин эзма,  
Ки сен ҳам ҳур тугилган инсонсан.*

Чўлпон шеърлятида зулм ва истибдодга барҳам бериш мақсадида душманга қарши қурол билан бўлса-да, кўтарилиш ғояси илгари сурилган. Бу ҳолат “Бас энди” шеърида “Кўлимда сўнгги тош қолди ёвимга отмоқ истаيمان” тарзида очик ифодаланади:

*Етар, бас, чекдан ошгандир  
Бу қарғиш, бу ҳақоратлар!  
Тўлиқдир, балки тошгандир  
Тубанлик ҳам сафолотлар!*

Чўлпоннинг “Баҳорни соғиндим”, “Куз гули”, “Ваҳм», “Табиатга, “Кузаклар”, “Ёруғ юлдузча”, “Пўртана” шеърларида ҳам зулм-истибдодга, мустамлакачиликка қарши эркинлик истаги, нола ва ғиғон акс-садо беради. Шоирнинг юрак қони билан ёзилган бу шеърлари ватандошларида ўзбек диёрига оташин муҳаббат, мустамлакачиларга нафрат, эрк ва ҳуррият ғояларига садоқат туйғуларини тарбиялади. Чўлпоннинг “кўнгил лирикаси” анъаналари кейинчалик Ойбек, Ҳ.Олимжон, Миртемир, Зулфия, Э.Воҳидов, А.Орипов, Р.Парфи ва бошқалар ижодида муваффақият билан ривожлантирилди.

Умуман, ўзбек хотин-қизларининг мустамлакачилик шароитидаги тақдири тасвири Чўлпон шеърий ижодининг ҳам, кичик эпик асарларининг ҳам, “Кеча ва кундуз” (1936) романининг ҳам асосий ғоявий йўналишини белгилаб берган (7).

Чўлпон насрий ижодининг муҳим қисмини публицистика ташкил этади. У “Йўл эсдалиги”, “Вайроналар орасидан” каби қатор очерк ва публицистик мақолаларида 20-йиллардаги мустамлака ўлка ҳаётининг мудҳиш манзараларини тасвирлаган.

Чўлпон ёзувчилик маҳоратининг шундай қирралари “Кеча ва кундуз” романида, айниқса, ёрқинроқ акс этган. Замонда кечаётган ўзгаришларга Чўлпон муносабатини шеърлари орқали аниқ ифодалаган. Масалан, “Амалимининг ўлими” шеърида:

*“Олисларда йиғлаган бу жонлар кимлар?  
Қуллар ўлкасининг инсонларими?”*

– деб қайғурса, «Мен ва бошқалар» асарида фарёд чекади:

*Эрк эртакларини эшитган бошқа,*

*Қуллик қўшиғларини тинглаган менман.  
Эркин бошқалардир, қамалган менман,  
Ҳайвон қаторида саналган менман.*

“Ёнғин” шеърида эса шоир юрт мустамлакачилар оёғи остида топталаётгани, халқ босқинчилар томонидан таҳқирланаётганига дил-дилдан ачиниб, нола қилади:

*Шундай катта бир ўлкада ёнмаган,  
Йиқилмаган, таланмаган уй йўқми?  
Бир кўз йўқми қонли ёши томмаган,  
Бутун кўнгил умидсизми, синиқми?*

Шуниси муҳимки, шоир юртдаги эркисизлик, вайроналик ва хароботни тасвирлаш билан кифояланиб қолмайди. У шу ҳолатдан қутулиш йўллари хам кўрсатиб беради.

Чўлпоннинг драматургия соҳасидаги дастлабки изланишлари 1919-йилга оид(2, 84-87). У шу йили “Темирчи”, “Гуноҳ”, “Чўрининг исёни” сингари кичик сахна асарларини ёзди. 20-йилларнинг бошларида эса Чўлпоннинг “Ёркиной”, “Халил фаранг”, “Ўлдирувчи” (1921), “Севги ва салтанат”, “Чўпон севгиси” (1922) пьесалари майдонга келди (бу асарларнинг аксари бизгача етиб келмаган). Чўлпон “Турон” театрига директорлик қилган йилларида сахна санъати ва драматургия сирларини, шунингдек, рус тилини пухта эгаллагани туфайли 1924-йил Москвада ташкил этилган ўзбек драма студиясига адабий кўмакдош этиб юборилди (3, 85-86). Чунончи, “Бузилган ўлка” шеърида ўз юртга сиғиндилик, мустамлака азобидан эзилган, вайрон бўлган ўлкамизга қарата хитоб қилиб, халқни огоҳлантиради, ҳушёрликка чакиради:

*Эй, тоғлари кўкларга салом берган зўр ўлка  
Нега сенинг бошинг узра қуюқ булут кўланка?  
Эй, ҳар турли қулликларни сиздирмаган ҳур ўлка,*

### *Нега сенинг бўғзинг бўғиб турар кўланка?!*

Чўлпон шеър давомида бу поэтик фикрни кенгайтира ва чуқурлаштира боради. Ўзбек давлат намуна труппаси (1929-йилдан Ўзбек давлат театри) ташкил этилгач, мазкур труппа (театр)нинг адабий кўмакдоши сифатида фаолият олиб борди. Шу даврда унинг кишилар ва жамият ҳаётидаги нуқсонларни ҳажв этувчи “Муштумзўр”, “Хужум” (В.Ян билан ҳамкорликда, 1928), “Ўртоқ Қаршибоев” (1929) каби пьесалари сахна юзини кўрди. Чўлпон илмий-маърифий меросимиз учун “Кеча ва кундуз” сингари ажойиб роман, “Ёрқиной” каби романтик драма қолдирган бўлсада, у асосан, руҳият шоири, орзулар куйчиси, эрксевар адиб сифатида машҳурдир. Унинг эстетик қарашлари асосан поэзиясида, ижодий услубидаги романтик тасвир воситалари эса эрк, истиклол, озодлик каби улуғвор ғоялар билан суғорилган ижодий фаолиятида акс этади.

Абдулҳамид Чўлпон Шарқ мумтоз шеърлятида акс этган воқеликдаги рух, туйғу ва ғоялар ифодасини рамзий образлар, ташбеҳлар ва тасвирлар орқали беришга асосланган романтик ифода услубини XX аср ижтимоий-тарихий воқеаларини акс эттиришда қўллади ва бу услубда оригинал асарлар яратишга эришди. “Шарқ” ва “Ғарб” образларига бағишланган шеърларининг романтик услубида шоирнинг ватанпарварлик жасорати, хусусан, Шарқ тимсолидаги Туркистон халқларининг изтиробини ва мустақиллик учун курашга чорловчи чақириқлар поэтик оҳанг ва ижтимоий-фалсафий ғоялар билан йўғрилган.

Чўлпон бадиий-эстетик олами тор маҳаллийчилик ва миллатчиликдан кўра, халқ маънавиятини юксалтириш, уни жаҳон эстетик маданиятидан баҳраманд этувчи миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштиришга қаратилган. У маданиятлар тараққиётидаги энг асосий эстетик тамойил – бу халқлар ва мамлакатлар эстетик меросининг ўзаро таъсири ва бойишидир, – деб билди. Зеро, Шекспирнинг шоҳ асари “Гамлет” нинг Чўлпон томонидан ўзбек тилига таржима қилиниши бунинг исботидир.

Абдулҳамид Чўлпон таржима ишларига киришган вақтда бизда гарчи кўплаб таржима асарлар бўлса-да, таржима назарияси яратилмаган эди. Чинакам таржимон миллат талабини ҳис қилиши, ўз ўқувчиларини аён билиши керак. Чўлпон шундай таржимон эди. Айниқса, Чўлпоннинг “Халил фаранг”, “Ёрқиной”, “Ўртоқ Қаршибоев” каби драматик асарлари Европа драматургларининг сахна асарларидан қолишмаслиги ва таржима асарларининг адиб ижодига таъсири ҳам маълум маънода қайд этилган. “Кўнгил” шеърлида халқимизнинг миллий уйғонишга даъвати, эрк, ҳурриятга ташналиги далиллар билан тўлдирилган. У миллий кўтарилишдаги иштирокини беш йўналишда олиб борди: шеърли асарлар, насрий асарлар, драматик асарлар, публицистик асарлар таржимасида, шу билан бирга таржима назариясини яратиш йўлида. Чўлпон айти пайтда театр таржимони сифатида ҳам самарали ижод қила бошлаган (6, 30).

Лопе де Веганинг “Қўзи булок”, У.Шекспирнинг “Пўртана” “Ҳамлет”, Ф.Шиллернинг “Босмачилар”, А.Файконинг “Портфелли киши”, В.Ивановнинг “14-69 рақамли зирҳли поезд” пьесаларини ўзбек тилига ўғирди. Чўлпон адабий кўмакдош, драматург ва таржимон сифатида М.Уйғур билан бирга профессионал ўзбек театрининг тамал тошини қўйди. Чўлпон адабий меросининг салмоқли қисмини таржима асарлари ташкил этади. Чўлпон А.С.Пушкин (“Борис Годунов”, “Дубровский”), Н.В.Гогол (“Терговчи”), И.С.Тургенев (“Чўри қиз”), И.Франко (“Миллион”, “Феруза”), Л.Андреев (“Губернатор”, “Осилган етти кишининг ҳикояси”). А.П.Чехов (“Қочоқ”). А. М. Горкий (“Илгаклар”, “Она”) сингари рус ва бошқа халқлар адабиётининг мумтоз асарларини ҳам катта маҳорат билан таржима қилиб, замонавий миллий таржима мактабига асос солди.

Мустақилликдан кейин, айниқса ҳозирги кунда мамлакатимизда таълим ва шу билан бир қаторда чет тилларини ўрганишга, хусусан таржимашуносликка ҳам алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Қийин вазият ва шароитда яшашларига қарамасдан адабиёт номаёндаларимиз ўша вақтда ҳам таржимашунослик билан шуғулланишганлигин тарихдан маълум. Шунинг учун ҳам биз ёшлар энди шоирларимизнинг асарларини чет тилларига таржима қилишни янада кенгайтirmoғимиз керак. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Чўлпон ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигида теран ва ҳаққоний фикрлайдиган ўткир мулоҳазали мунаққидлардан бири сифатида айрича ўринга эга. Унинг бу соҳадаги мероси асрлар оша миллат раvнақига хизмат қилаверади.

Ўзбекистон мустақил Республика деб эълон қилинган, Чўлпоннинг ўзбек маданиятини ривожлантириш ва халқ оmmasини истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшган ҳиссаси юксак баҳоланди. Чўлпонга Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти (1991) ва “Мустақиллик” ордени (1999) берилди. 1997-йил Чўлпоннинг 100 йиллиги кенг нишонланиб, Андижонда Чўлпон уй-музеи ташкил этилди. Яна шуни таъкидлаш жоизки, Чўлпон деганда, кўз олдимизда тиниқ ва мусаффо осмонда энг ёрқин нур сочаётган йирик юлдуз намоён бўлади. Чўлпон номини эслаганимизда, хаёлимизда адабиёт дунёсининг сўнмас ва йил сайин қалбимизга илиқлик, тароват, кўзимизга нур, онгимизга тиниқлик бахш этаётган, ҳузуримизга тобора яқинлашиб келаётган тонг юлдузидек шоир сиймоси жонланади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Айматов А. Абдулхамид Чўлпон – қатағон даври қурбони // Фалсафа ва ҳуқуқ. –Т.: 2009. – № 4.
2. Айматов А. Чўлпон – эстетик ғоялар мутафаккири // ЎзМУ хабарлари. –Тошкент, 2009. – № 4.

3. Айматов А. Чўлпон ижодида театр эстетикаси ва таракқиёти // Фалсафа ва ҳуқуқ. – Тошкент, 2008. –№ 4.
4. Айматов А. Чўлпон эстетик дунёқараши шаклланишининг ғоявий асослари // СамДУ Илмий Битирув малакавий ишлар ахборотномаси. – Самарқанд, 2008. –№4. Алимов Б. Истиклол фидойилари. Тошкент, 1993.
5. Қуронов Д. Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси. –Тошкент:, Ўқитувчи, 1997.
6. Шарафиддинов О. Чўлпонни англаш. –Тошкент: Ёзувчи, 1994..